

## **THE FIRST STEP TO TRAINING A STRONG SPECIALIST IN MEDICINE**

**(From hobbyist to skilled professional)**

Hamza Safarovich Yusupov

Fozilova Nigora Sobirjonovna

Mukhammadieva Kamola is the daughter of Dilshad

Karimova is the daughter of Diyora Turgunjon.

**Мавзу:** Тиббиётда кучли мутахассисни тайёрлашга биринчи қадам (Ҳаваскордан моҳир мутахассисгача).

**Тема:** Первый шаг к подготовке сильного специалиста в медицине (От любителя до опытного профессионала).

### **Annotation:**

**Relevance of the topic:** Most students studying at medical institutes of our republic want to study abroad, they believe that the reason for this is the educational system and the requirements of foreign institutions, as well as the opportunities created.

**Goal:** To raise the quality of student education in medical institutes of our republic to the level of foreign institutes.

**Expected result:** Training of competitive quality personnel.

**Key words:** Training system, competitive personnel, amateur and experienced specialist.

### **Аннотация :**

**Мавзунинг долзарбилиги:** Республикамиз тиббиёт инситутларида ўқиётган талабаларнинг кўпчилиги чет- элда ўқишни исташади, бунга сабаб чет – эл институтлари ўқитиш тизими ва талаблари, яратилган имкониятда деб хисоблашади.

**Мақсад:** Республикамиз тиббиёт инситутларида ўқиётган талабаларнинг сифатини чет- эл институт даражасига кўтариш.

**Кутилаётган натижа:** Рақобатбардош сифатли кадр тайёрлаш.

**Калил сўзлар:** Ўқитиш тизими, рақобатбардош кадр, ҳаваскор ва моҳир мутахассис.

**Аннотация:**

**Актуальность темы:** Большинство студентов, обучающихся в медицинских институтах нашей республики, хотят учиться за рубежом, они считают, что причиной этого является образовательная система и требования зарубежных институтов, а также создаваемые возможности.

**Цель:** Поднять качество обучения студентов в медицинских институтах нашей республики до уровня зарубежных институтов.

**Ожидаемый результат:** Подготовка кадров конкурентоспособного качества.

**Ключевые слова:** Система обучения, конкурентоспособный персонал, любитель и опытный специалист.

Хар қандай касбда ҳам олдин ҳавоскор бўлиб, кейинчалик кўп маротаба шу ишни бажариши натижасида етук, яъни ўз ишининг моҳир устасига айланиш мумкин. Бу ерда етук мутахассис бўлиш учун шу танлаган касб ишқобози (фанати) бўлиши ниҳоятда муҳимдир. Агар танланган мутахассисликга ўз ҳоҳиши ва истаги билан қизиқиб киришилмаса, кутилган натижа, яъни моҳир мутахассис даражасига етмай, ўрта миёна бўлиб етишади... Буни учун энг аввало шу мутахассис (врач) бўлишга истаги юқори ёшларни танлаб олиш ўта муҳимдир... Тиббиёт институтига кирган ҳар бир талаба ўқишга киришдан олдин қандай врач бўлишини ўз олдига мақсад қилиб қуйган бўлиши лозим. Ўқишга киргач мутахисслик танлайман, билимим етса каби ният билан кирганлардан фақат ўртамиёна мутахассис етишиб чиқади. Етук мутахассис бўлиш учун олдиндан ўқишга киришдан олдин орзу қилинади, кейин вақт белгиланиши натижасида мақсад( ичиди бир неча майдага мақсадга элтувчи харакатлар ) қуйилади. Кейин секин - аста тўсиқларни енгиб, ғалабага эришилади. Бу ерда ҳис эта олиш - яъни натижани олдиндан кўра билиш ўта муҳимдир. Шахматда З йўлдан кейинги йўлни кўра билан шахматчи кучли ҳисобланади...

Буни учун, битта бажарилиши лозим бўлган амалий (тиббий процедура) ишни камида 500 ва ундан кўпроқ тақрорлаши лозим. Ҳар бир иш ўз ичига бир қанча майла деталларни олиб, бу деталлар( иш бўлаклари)нинг кетма-кет бажарилиш йифиндиси шу ишни натижасини беради. Бу иш натижаси ҳар

бир деталнинг кетма-кетлиги ва тўғри, сифатли бажарилиши (харакат алгоритми)га боғлиқ бўлади.

Бир хилдаги бу ишни бажариш вақтида онда-сонда бўлсада, кутилмаган ўзгариш холатлари ҳам учраб туради. Шу кутилмаган ностандарт холатлар(КАСАЛЛИК)га мутахассис доимо тайёр туриши лозим. Бу кутилмаган холатларда довдираб қолмаслик учун, олдин стандарт бир ҳил холатни ( масалан тиббиётда нормал анатомия, нормал физиология..)- ЭТАЛОН (соғлом одам)ни тўлиқ ўзлаштириш лозим. Кейин онда –сонда учрайдиган ўзгариш холат (ПАТОЛОГИЯ-касаллик)га солиштириб фарқлаш осон бўлади. Бу битта диагноз қуйиш учун элементdir. Бунга ўхшаган кўплаб диагноз ва даволаш ҳаракат кетма-кетлиги бор-ки, ҳар бирини алоҳида – алоҳида қунт билан бажариб тажриба ортирилади.

Масалан 500 та одамни юрак тонлари ёки ўпка товушларини эшитганда, улар ичида 10-15 тасида товушларни бошқачароқ эшитганини ҳис этади. Олдин эшитиб кўриб, кейин шу товушни аудио товуш қайси касаллик белгиси эканлигини ўқиб, эшитиб, солиштириб дифференциал диагностика қилинади. Қанчалик кўп соғлом одамни юрак ва ўпкаси эшитилса, ўшалар ичида ўпка ва юрак товуш ва тонлари ўзгарганини шунчалик тез фарқлай бошлайди.


Ҳар қандай бажарилаетган иш, ўз ичига бир қанча майда деталларни олади. Бу деталларни тўғри бажарилиши ва бирлашувидан битта асосий бажарилган иш келиб чиқади. Бу деталларни биттасида бажаришда хатоликка йўл қуйилса, иш сифати пасаяди.

Ҳар қандай касб каби тиббиётда ҳам фақат назарий ўқишининг ўзи етарли эмас, олинган билим амалиёт билан мустаҳкамлаб (қўли билан бажарилиб) тажриба ортиб борсагина етук мутахassisiga айланади. Бунда ҳис эта олиш қобилиятини ривожлантиришнинг аҳамияти жуда юқори бўлиши лозим. Масалан. Рентген пленкага тўширилган ўпкани барча кўради., лекин барча ҳам ўша ренгренграмадаги ўзгаришни барчасини сезмаслиги мумкин. Натижада диққат қилмаган ( ҳис этмагани ) касаллик белгисини кўрмасдан соғлом деб хулоса берса, Диққатли врач бошқа врач кўрмаган ўзгаришни кўриб касал деб хулоса беради ва кўрсатиб исботлаб беради. Шу ўринда врач обрў-эътибори ошади. Обрў-эътибор сотиб олинмайди, балки bemorlar томонидан қозонилади.

Энди 500 та одамни юрагини эшитиши мисолида кўриб чиқамиз:

Бунда биринчи 500 та одамни юрагини эшитган врачнинг кейинги галда, юрак клапинларини эшитиш кетма-кетлиги автоматик режимга киради. Ҳар қандай одам юрагини эшитиш учун фонендоскопни қўлга олганда, қўли биринчи митрал(икки тавақали) клапинни эшитиш учун юрак чуққисига томон йўналади. Бу автоматик содир бўлади, бу ортирилган рефлексдир. (мисол учун химоя рефлекси- бунда кутилмаганда ҳавода Сиз томонга учиб келаётган арини хайдаш учун қўлингиз билан ўзингизни химоя қиласиз...). Хулоса: № 1.Бир хил ишни кўп марта бажарганда, шу ишни “кўзни юмиб” бажарадиган даражага эришиш мумкин.( масалан моҳир қиличбоз- олдин кўзини очиб, кейинчалик кўзини юмиб, қилич уйната олади... ).

### Юрак клапинларни эшитиш нўқталари



- \*1-нўқта- юрак чуққисидан митрал (2-тавақалли) клапин эшитилади ( митрал клапин жойлашган жойи М билан белгиланган);
- \*2-нўқта- аорта клапини ўнг 2-3 қовурға оралиги, тўш суягига бириккаан жойидан эшитилади ( аорта клапини жойлашган жойи А билан белгиланган);
- \*3-нўқта-Ўпка артерияси клапини чап 2-3 қовурға оралиги, тўш суягига бириккаан жойидан эшитилади ( ўпка артерияси клапини жойлашган жойи Л билан белгиланган);
- \*4-нўқта- триинспидал ( 3-тавақалли) клапин тўш суяги танаси ва ханжарсизмон ўсиги бириккан жойни ўнг томони 5-6 қовурға оралиги бириккан жойидан эшитилади;
- \*5-нўқта-Боткин – Эрба нўқтаси чап 3-4 қовурға оралиги, туш суяги дан 1-1,5 см чапда эшитилади.

2-этапда ҳар бир клапинни эшитганда юрак нормал 1 ва 2 тонларини бир хиллигини ҳис этади. Агар тон ўзгарган бўлса, бирдан хушёр тортиб юракдаги товуш ўзгаришини ҳис этади ва автоматик қайси касалликга хослигини онгida тахмин қиласи. Врач ўзи тахмин қилган диагнозни тасдиқлаш учун ЭКГ, Эхо-кардиография қилдирганда тахмини тасдикланади ва бу клиник асосланган ташхис дейилади. ( бу ерда бемор шикояти, касаллик тарихи, ҳаёт тарихи ҳам инобатга олиш муҳимдир...)Хулоса №2. Ўзгаришни ҳис эта олиш-бу кўп марта юракни эшитган врачда ҳосил бўлади.

3- этапда врач шу касаллик ривожланиш(патогенизи)ни, агар даволанмаса, оқибати нима билан туғишини(ўлим ёки ногиронлик) ёки даволанса соғайиши( түлиқ, қисман)ни ҳис эта олиши лозим.. Ўқиб, эшишиб, кўриб олинган тиббий билимни ҳис этиш билан бирга қелгусида bemor тақдирини қўшиб натижани ҳис эта олиш лозим. ( китоб ўқиганда мавзудаги холат, тасвир, макон ва замонни ҳис эта олишдир). Хулоса №3.Буни қўпол қилиб айтганда девор ортини кўришга тенглаштириш мумкин. Буни учун тинимсиз ўз устида доимий ишлаш ва ривожлантириш талаб этилади.

Мутахаасис рақобатбардош бўлиши учун ҳалқаро стандартлар талабига жавоб бера оладиган даражада тайёрланиши лозим. Буни учун чет –эл мутахассисларига қуйиладиган талабларни ўрганиш лозим. Талаб қанчалик енгил бўлса, кадр шунчалик сифатсиз бўлиб етишади. Талабнинг юқорилиги сифатнинг кафолатидир. Ва ўша талабларни бажара олсагина ва ундан кам бўлмаса, ўқитувчи ўз мақсадига эришган саналади. Буни учун ўқитиш давомида реал холатда, масалан тиббиётда бевосита bemor устида машғулотларни ташкил этиш лозим бўлади. Ҳар бир талаба билан индивидуал алоҳида ишлаш, устоз-шогирд тизими бу ерда самарали ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мутахассислар ҳалқаро стандартлар асосида тайёрланади. Олий таълим ахборот хизмати. <https://yuz.uz/news/mutaxassislar-xalqaro-standartlar-asosida-tayyorlanadi> 26 май 2023..
2. “Сиёсатчилар ҳалқ олдида жавобгардир” – мутахаасис билан давлат хизматчиларини тайёрлаш ва танлаш тажрибаси ҳақида суҳбат. Япониянинг Нагоя иқтисодиёт университети профессори, ҳукуқ фанлари доктори Алишер Умирдинов. <https://kun.uz/kr/news/2021/11/12/siyosatchilar-xalq-oldida-javobgardir-mutaxassis-bilan-davlat-xizmatchilarini-tayyorlash-va-tanlash-tajribasi-haqida-suhbat?q>.